

1. Аҳолининг фонд бозори тўғрисида молиявий саводхонлигини оширишни таъминлаш. Муҳим ички омиллар – ҳозирча оммавий инвестор фонд бозорига чиқиши учун етарли бўлмаган инвестиция салоҳияти ва даромадлари, демак, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишни кескин ошириш чораларини кўриш керак.

2. “Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозорига хорижий инвесторлар (хорижий инвестиция компаниялари ва фондлари) томонидан қизиқиш борми” деган масалага келадиган бўлсак, “уларни республика капитал бозорига жалб қилишда қандай муаммолар мавжуд” деган масалани ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.

3. Андеррайтерларга акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида акциялар

тақсимланадиган инвесторларни танлаш, шунингдек, инвесторларга IPO ва SPO доирасида харид қилинган акцияларни сотишда тақиқланадиган муддатни белгилаш ҳуқуқи зарур.

4. Фонд биржаси фаолият механизмини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, қимматли қоғозлар листинги ва котировкаси талабларини энгиллаштириш, фонд бозори инфратузилмасининг энг асосийлари: биржалар, депозитарийлар, инвестиция воситачилари ва ҳисобкитоб клиринг ташкилотларининг автоматлаштирилган алоқа тизимларини яратиш орқали самарали инфратузилмани шакллантиришга имконият яратади ва молия бозори ўрнининг янада ошишига асос бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.
2. Markowitz H. Portfolio Selection. / The Journal of Finance, 1952. № 7. P. 77-91.
3. Морозкин Ю.Н, Свистунова Е.С. Управление портфелем ценных бумаг в коммерческом банке. // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2011. № 6. С. 138.
4. Чекулаев М. Загадки и тайны опционной торговли. – М.: ИК Аналитика, 2001. С. 10.
5. Жуков Е.Ф. Рынок ценных бумаг. Учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. – 567 с.
6. Леонтьев В.Е, Бочаров В.В., Радковская Н.П. Инвестиции. – М.: Юрайт, 2014. С. 127-131.
7. Ҳайдаров Ў.А. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда фонд бозорларининг таъсири. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журналы. 2-сон, март-апрель, 2015 йил.
8. <https://sqb.uz/uz/for-investors/reports-and-presentations-uz/>



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ашурова Нозила Муроджон қизи -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Корпоратив иқтисодиёт ва менежмент»
кафедраси катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a30

Аннотация. Мақолада бюджет ташкилотларида давлат харидларини ташкил этиш механизмини такомиллаштириш муҳокама қилинади. Давлат харидлари бюджетнинг таркибий воситасидир. Давлат харидлари иқтисодий ривожланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб, ўз вазифалари ва функциялари жиҳатидан том маънода муҳимдир.

Калит сўзлар: давлат харидлари, мақсадли дастурлар, рақамли иқтисодиёт, миқдор.

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ОРГАНИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Ашурова Нозила Муроджон қизи -
Старший преподаватель кафедры
«Корпоративная экономика и менеджмент»
Ташкентского государственного экономического
университета

Аннотация. В статье рассмотрены совершенствование механизма организации государственных закупок в бюджетных организациях. Государственные закупки являются структурным инструментом бюджета. Государственные закупки буквально важны с точки зрения своих задач и функций, создавая необходимые условия для развития экономики.

Ключевые слова: государственные закупки, целевые программы, цифровая экономика, заказчик.

IMPROVING THE EFFICIENCY OF USING THE MECHANISM OF ORGANIZING PUBLIC PROCUREMENT IN BUDGET ORGANIZATIONS

Ashurova Nozila Murodjon kizi -

Senior Lecturer in Corporate Economics and Management
Tashkent State University of Economics

Annotation. The article discusses the improvement of the mechanism of organization of public procurement in budgetary organizations. Public procurement is a structural tool of the budget. Public procurement is literally important in terms of its tasks and functions, creating the necessary conditions for economic development.

Keywords: public procurement, targeted programs, digital economy, customer.

Кириш. Давлат харидлари бюджетнинг таркибий воситасидир. Давлат харидлари иқтисодий ривожланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ўз вазифалари ва функциялари жиҳатидан том маънода муҳимдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тизими рақамли иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилиш зарурати кенг тарғиб қилинмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг кенг қўллангани имкониятларидан оқилона фойдаланган ҳолда, ривожланиш суръати ва мазмунига бевосита таъсир қилади, яъни давлат таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа, маданият, спорт каби мақсадли ривожланиш дастурларини амалга ошириш учун зарур маҳсулотларни сотиб олади. Шу билан бирга, давлат иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий вазифасини бажаради.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида давлат харидлари иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда биринчи ўринда эътиборга олиниши керак бўлган муҳим масала ҳисобланади, чунки улар миллий ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес ва жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлайди.

Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ҳамда нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш орқали мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳамда ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлади.

Агар давлат харидларининг иқтисодиётга ички иқтисодий сиёсатга таъсирини кўриб чиқадиган бўлсак, у биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, кичик ва ўрта бизнесни давлат харидлари тизими орқали амалга оширилишини кўриш мумкин. Ўз навбатида, кичик

бизнесни қўллаб-қувватлаш миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишга қўмаклашадиган, рақобатбардош маҳсулотларга талабни яратадиган.

Кўпгина илмий нашрларда давлат харидлари бўйича турли хил ёндашувлар ва қарашлар мавжуд. Давлат харидлари тушунчаси Е.А.Федченко, А.Г.Барабашев ва бир қатор олимларнинг таърифларига кўра, бу мамлакатда ёки чет элда ишлаб чиқарилган, давлат томонидан ўз ресурсларини фойдали жойлаштириш орқали давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ҳисобига сотиб олинган товарлар, ишлар ва хизматларни англатади[1]. С.Е.Прокофиевнинг сўзларига кўра, давлат томонидан ўз вазифаларини бажариш учун товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб беришни ташкил этишнинг самарали жараёни, аниқроғи, жамоат эҳтиёжларини қондириш учун маблағларни қайта тақсимлашдир[2].

Давлат харидлари концепциясининг юқоридаги таърифларига асосланиб айтишимиз мумкинки, сотиб олиш ҳолати – бу товарлар (ишлар, хизматлар) дан самарали фойдаланиш учун қилинган харид - уларни етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасида давлат эҳтиёжларини қондириш учун иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олган тизимдир.

Кўплаб илмий адабиётларда давлат харидлари, давлат эҳтиёжларини қондириш, давлат харажатларини тартибга солиш, бюджет маблағларидан тежамкор фойдаланиш ва нархларни белгилаш орқали мамлакат иқтисодиётини рағбатлантиришга қаратилгандир. Ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига бевосита таъсир кўрсатиш, янги товарлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқиш учун шароит яратиш, бюджет харажатларини прогноз қилиш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш каби функцияларни бажарган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Й.Чорноморд фикрига кўра, давлат харидлари бозорининг барча иштирокчилари, шу жумладан, божхона ҳам давлат харидлари тизимининг

самарасизлиги тўғрисида хабар беришлари лозим. Асосий муаммолар, биринчи навбатда, давлат харидлари жараёнини тартибга солишчи Қонунчилик базасининг номукамаллиги ва тез-тез ўзгариб туриши туфайли юзага келди[3], дея келтириб ўтади.

Чарлес Едквист давлатнинг инновацион харидлар сифатини кўриб чиқади ва давлат учун энг оптимал вариантдаги харидни қилишни таклиф этади ва тушунтиришларни тақдим этишни режалаштириш кераклигини кўрсатади. У инновациялар учун Давлат харидлари нимани англатишини белгилайди ва уни уч ўлчов бўйича таснифлайди: сотиб олинган товардан фойдаланувчи; харид қилиш жараёнининг характери; ва жараённинг кооператив ёки кооператив бўлмаган табиати[4] ни таклиф этади.

МС. Киплел, П. Кеитанй Кения давлати мисолида давлат харидларини таҳлил қилади ва Кения давлат харидлари тизими заиф Қонунчилик базаси ва давлат харидлари амалиётчилари орасида профессионаликнинг йўқлиги билан ажралиб туришини аниқлайди[5].

А. Мулис, Г. Улиан давлат харидлари натижалари ва миллий давлат бюджетининг молиявий ресурсларини тақсимлашнинг максимал самарадорлиги нуқтаи назаридан ўрганади. Иқтисодий ривожланиш шароитида давлат молиявий ресурсларини бошқаришни оптималлаштириш давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга асосланади[6], деб кўрсатади.

И.П. Гладилинининг таклифи, Россияда давлат ва муниципал харидлар тизимининг институционал ривожланиши малакали менежерларга асосланган самарали механизмни яратишга қаратилган. Қонунда мижозларнинг ваколатлари принципи эълон қилинади, яъни харидлар тегишли билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши тушунилади. Харидларни бошқариш нуқтаи назаридан зарур товарлар ва хизматларни юқори сифат ва самарадорлик билан таъминлаш вазифаларини амалга оширадиган давлат буюртмачиси вакилларининг ваколатларини ривожлантириш зарурлигини[7] айтиб ўтган.

Н.Й.Нарзная, Е.Г.Сафроновлар давлат харидларида ноаниқликнинг мумкин бўлган шартларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг самарадорлигини баҳолашнинг мавжуд тизимининг таркибий қисмларини таҳлил қилади. Мижоз ва етказиб берувчининг ҳам кўрсаткичларини ҳисоблайди. Ва у харидлар ташкилотчилари билан давлат харидлари самарадорлигини ошириш ва шунга мос равишда бюджетдан ажратилган маблағларнинг сарфланишини тежашнинг асосий мақсадини белгилаб берган шартнома тизими тўғрисидаги қонуннинг давлат бюд-

жети институтлари сифатида шуғулланади ва электрон харидларни ривожлантиришни, электрон аукционларда иштирок этувчи корхоналар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқишни[8] таклиф этади.

Х.Ф.Паттидинов давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумлар, шунингдек, харажат ҳажми ва йўналиши ўз аксини топади. Давлат харажатларининг ажралмас таркибий қисми сифатида давлат харидлари муҳим аҳамиятга эга ҳамда у давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Давлат харидларини электрон тизимга ўтказиш коррупциянинг олдини олишга ва рақобатнинг шаклланишида кўмаклашади[9] деб таърифлайди.

Ш. Мухамедова давлат харидлари жараёни барча босқичларининг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигини таъминлаш ҳамда давлат харидларини амалга ошириш механизмлари, тартиб-таомиллари ва усулларини бир хиллаштириш мақсадида давлат харидлари тизимида давлат буюртмачисининг касбий маҳорати, асосланганлик, молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги, очиқлик ва шаффофлик, тортишув ва холислик, мутаносиблик, давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги, коррупцияга йўл қўймаслик каби давлат харидларининг асосий принципларини киритишни маъқуллайди[10].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, давлат харидини оптималлаштириш, иқтисодиётда давлат харидларининг статистик таҳлили ўрганилган. Тадқиқотимизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб борувчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида бюджет ташкилотларининг давлат харидлари мисол қилиб олинган.


Таҳлил ва натижалар. Давлат харидлари бюджет харажатларининг катта қисмини ташкил этади ва давлат эҳтиёжларини қондириш учун муайян функцияларни бажаришда рақамли иқтисодиётнинг самарали ва барқарор ривожланиши учун имкониятлар яратади. Шунинг учун давлат буюртмачисининг манфаатлари жамият манфаатларига мос келиши керак. Шу билан бирга, давлат харидларининг ташкилий тузилмалари шаффоф бўлиши керак.

Давлат бюджетининг 2023 йил учун харажатлари 257 734 млрд сўм ёки ЯИМнинг 24,1% (2022 йилда - 236 579 млрд сўм ёки ЯИМнинг 26,6 %) ҳисобида тасдиқланди. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида тармоқ ривожланиш дастурларини амалга оши-

ришга сарфланадиган харажатларни ошириш режалаштирилган. Ижтимоий харажатларга 129 891 млрд сўм йўналтирилиши белгиланган, бу ўз навбатида жами давлат бюджети харажатларининг 50,4 фоизини ташкил этади.

Аввалги йиллар каби ижтимоий харажатларнинг аксарият қисмини таълимга харажат-

лар (44,9%) ташкил этиши кўтилмоқда. 2023 йилда таълимга 58 372 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 2022 йилда ажратилган харажатларга нисбатан деярли 14%га ортиқни ташкил этади[1].



1-расм. 2023 йилга мўлжалланган давлат бюджети харажатлари[12].

Кўпгина мамлакатларда давлат харидлари таҳлилига кўра, харид турини танлашга давлат мижозлари, харидлар иштирокчиларининг кутилаётган сони, давлат шартномасининг мураккаблиги ва сиёсий рақобат даражаси таъсир қилади. Мисол учун, агар мижоз мураккаб маҳсулот ёки хизматни сотиб олмоқчи бўлса, у учун ким ошди савдосидан кўра музокаралар олиб бориш фойдалироқ бўлади, яъни бу харид қилиш тартиби турини танлашга боғлиқ. Бир нечта кўрсаткичлар асосида ғолибни танлаш битта кўрсаткичга асосланган аукционга қараганда рақобатни чеклаш учун кўпроқ имкониятлар беради. Кўп ўлчовли аукционларда иштирокчилар нарх ва етказиб бериш муддати каби бир қатор параметрлар бўйича рақобатлашадилар. Ишлаш баллари маълум акцияларда тўпланади ва энг кўп балл тўплаган иштирокчи аукцион ғолибига айланади.

Харидор томонидан ким ошди савдосида алдаш усули ҳам тенг бўлмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Харидор учун кенг коррупция имкониятларини яратишда иқтисодий самарадорликни пасайтириш имконияти мавжуд. Шунингдек, мижоз харид иштирокчиларига ҳаддан ташқари талаблар қўйиш ва шартнома шартларини манипуляция қилиш орқали компанияларнинг рақобатбардош харидлар тартибидаги иштирокини чеклаши мумкин. Юқоридаги усуллардан фойдаланиш ва уларни бирлаштириш имкониятлари танланган харид тартиб-қоидаларига боғлиқ бўлади.

Рақобатни чеклашнинг биринчи усули - харид иштирокчиларига ҳаддан ташқари талаблар қўйиш ва шартнома шартлари билан фокуслардан фойдаланиш. Савдо иштирокчиларига ҳаддан ташқари талаблар қўйиш ва шартнома шартларини сохталаштириш орқали фақат битта компания ёки тор доирадаги компаниялар пора бериш орқали давлат шартномасини бажариши мумкин. Давлат харидларини бошқариш тизимини давлат учун ҳам, жамият учун ҳам шаффоф қилиш учун мониторинг тизимини жорий этиш ва харидлар тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда тўплаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва баҳолаш, шу жумладан харидлар режалари ва жадвалларининг бажарилишини таъминлайдиган мониторинг тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши мониторинг иқтисодий бошқарув самарадорлигини ошириш механизми сифатида кўриб чиқилиши керак, бу вазиятни таҳлил қилиш ва давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида шартнома тизимидаги хавфларда акс этади.

Коррупцияга қарши мониторингнинг асосий таркибий қисмлари[13]:

- мониторинг объектларини аниқлаш, яъни давлат харидлари тизимида коррупцияга қарши қонун ҳужжатларига мувофиқ мижозлар ва потенциал ижрочилар томонидан коррупциянинг намоён бўлишини олдини олиш;

- коррупция омиллари ва манбаларини аниқлаш;
 - объектлар тўғрисида бир қатор ишончли маълумотларни шакллантириш, шу жумладан давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;
 - давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш жараёни сифатида таҳлил қилиш;
 - давлат харидларининг шаффофлиги даражасини аниқлаш ва коррупция натижасида етказилган зарарни қуйидаги турларини аниқлаш жараёни сифатида баҳолаш:
 - а) давлат ва жамият учун нархларнинг ошиши натижасида юзага келадиган молиявий йўқотишлар;
 - б) етказиб берилган маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ортиқча баҳолаш ёки кам баҳолаш ёки нотўғри сотиб олиш ҳолатларида миқдорий зарар;
 - в) зарур техник шартлар, сифат ва ишончлилик параметрларини бузган ҳолда битимлар тузиш пайтида етказилган зарар;
 - д) рақобатни чеклаш билан боғлиқ шартномалар тузишда сиёсий зарар ва шунга мос равишда жамият ва бизнесдаги давлат институтларига бўлган ишонччи йўқотиш.
 - прогнозлаш, коррупция омилларининг келажакдаги таъсирини аниқлаш ва давлат харидларини тартибга солиш ва бошқариш соҳасида коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш
- Давлат харидлари тизимида коррупцияга қарши мониторинг тизимининг ажралмас қисми харидлар жараёни бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш асосида мониторинг ҳисобланади. Шу билан бирга, вақт ва маконда давлат харидлари тизимининг ҳолати ва ривожланишини таҳлил қилиш мумкин эмас (статистик таҳлил). Ўрганиш объекти параметрларисиз кўрсаткичларни тақдим этиш ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари, давлат харидларининг юқорида қайд этилган хусусиятлари, маълум кўрсаткичлар, харидларнинг мураккаблиги ва динамикаси туфайли кўриб чиқилган ижтимоий ҳодисани ҳар томонлама ва батафсил акс эттира олмайди. Коррупцияга қарши мониторингни амалга ошириш учун коррупциянинг намоён бўлишини баҳолаш керак. Шу сабабли, ушбу тадқиқотнинг мақсадларидан бири сифатида давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш тизимида кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

2022 йил 13-19 октябрь давомида давлат харидлари бўйича савдолар ҳажми пасайди ва 8,5 млрд сўмдан иборат бўлди. Ушбу пасайишга тузилган битимлар сонининг 5192 тадан 4798 тагача камайгани сабаб бўлди. Шунга қарамай, бюджет маблағларининг тежалиши 2,3 млрд сўмдан 2,4 млрд сўмгача ошди. Бу эса ўтказилган электрон савдоларнинг самарадорлиги ошганлигидан далолат беради[13].

Хусусан, электрон дўконда амалга оширилган битимларнинг умумий ҳажми 261,3 млрд сўмга, электрон аукцион орқали эса 324,6 млрд сўмга ошди. Шу билан бирга, электрон тендерда тузилган битимлар ҳажми 148,1 млрд сўмни ташкил этди[13].

Хусусан, электрон дўконда амалга оширилган битимларнинг умумий ҳажми 261,3 млрд сўмга, электрон аукцион орқали эса 324,6 млрд сўмга ошди. Шу билан бирга, электрон тендерда тузилган битимлар ҳажми 148,1 млрд сўмни ташкил этди[13].

1-жадвал

Давлат харидлари кўрсаткичлари[14]

Ташкилий	Асосий кўрсаткичлар
Давлат харидлари	- давлат харидлари тўғрисидаги билдиришномалар ва баённомаларни нашр этиш шартларини бузган ҳолда амалга оширилган харидлар сони; - эълон қилинган процедураларнинг умумий сонидagi қоидабузарликлар билан процедуралар сони; - жаримани қўлламаган шартномаларнинг бажарилиш сони; - ташаббуси билан тузилган шартномалар сонига нисбатан бир томонлама бекор қилинган шартномалар сони ва бошқалар.
Давлат хариди ҳажми	- битта етказиб берувчидан сотиб олиш ҳажми; - кичик бизнес субъектларидан харидлар ҳажми; - электрон платформалар ёрдамида амалга оширилган харидлар ҳажми; - тежалган харидларнинг абсолют миқдори ва бошқалар.
Давлат хариди тузилмаси	- очиқ ва ёпиқ бўлишига қараб танловларни тақсимлаш; - танловларни чеклаш ва босқичма-босқич тақсимлаш; - ёпиқ ким ошди савдосининг улуши; - электрон аукционларнинг улуши. - марказлаштирилган харидларнинг улуши; - қўшма харидларнинг улуши; - битта етказиб берувчидан сотиб олиш улуши ва бошқалар.

Манба: муаллиф томонидан илмий изланишлар натижасида шакллантирилди.

Давлат бюджети даромадларининг мунтазам ўсиши унинг харажатлари улушини оширишга имкон беради. Шу сабабли, бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш, давлат буюртмаларини шакллантириш ва

жойлаштириш, уларнинг ташкилий ва бошқарув самарадорлигини ошириш муаммосини ҳал қилиш рақамли иқтисодиётга ўтишда муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Давлат харидлари самарадорлигини оширишда, давлат буюртмаларини таъминлашнинг бозор механизмини шакллантириш муҳим вазифалардан биридир. Давлат харидлари давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган давлат буюртмалари асосида амалга оширилади. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат харидлари бюджетнинг катта қисмини эгаллайди, шу билан бирга иқтисодий бошқаришда муҳим омил ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат харидлари тизимини интеграциялашувига катта эътибор қаратилмоқда. Харид жараёнларининг очиқлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида давлат томонидан электрон савдолардан фойдаланиш ва тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига жалб этиш орқали аукционларда рақобатни кучайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтада, давлат харидлари қандай тартибда амалга оширилиши ҳам муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган даврда мамлакатимизда халқаро тажриба ва иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чиқиб, давлат харидларини ташкил этишнинг ноёб тизимини шакллантириш, яъни бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, кўпроқ имтиёзлар бериш бўйича сарф-ҳаракатлар амалга оширилди. Харид қилиш жараёнида кичик ва ўрта бизнес улушини ошириш, бундан ташқари, давлат харидлари тизими мавжуд механизмни халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш имко-

ниятлари янада такомиллаштирилди. Шубҳасиз, давлат харидлари тизимида замонавий шакл ва тартибларни ишлаб чиқиш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Давлат харидларини такомиллаштириш ушбу соҳа учун мукамал меъёрий-ҳуқуқий базани яратишга ва уни халқаро тажрибага мувофиқ ривожлантиришга боғлиқ, чунки норматив-ҳуқуқий база ҳар қандай соҳа учун механизмни шакллантириш учун асос яратади.

Хулоса ва таклифлар. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бюджет ташкилотларининг давлат харидларини амалга оширишдаги молиявий муносабатларини самарали ташкил этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тўғридан-тўғри шартномалар қилиш ҳуқуқига эга бўлган товар (иш, хизмат)лар рўйхатини кенгайтириш;

- давлат хариди жараёнидаги иштирокчиларнинг масъулиятсизлиги юзасидан жавобгарлигини кучайтириш;

- коррупцияга қарши курашиш мақсадида мониторинг тизимини ўтказиш;

- давлат хариди жараёнига тадбиркорлик субъектларини янада кенг жалб қилишда хориж амалиётни ўрганиб чиқиш. Бунинг натижасида, буюртмачиларга зарур бўлган ишлар, хизматларнинг махсус ахборот порталида эълон қилиниши натижасида ушбу ишлар, хизматларга бўлган таклиф ошади, улар орасидаги рақобатнинг мавжудлиги сабабли, иш, хизматларининг нархини тушишига олиб келади, натижада бюджет ташкилотларининг мазкур иш, хизматлар учун ажратилган пул маблағлари тежаллади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Давлат ва муниципал молиявий назорат: дарслик / Федченко Е.А. — М.: Прометей, 2020. — 360 с. Барабашев, А.Г. Давлат ва муниципал бошқарув. Илмий-тадқиқот ишлари технологиялари: университетлар учун дарслик / А.Г.Барабашев, А.В.Климова. - Москва: Юрайт Наشريети, 2021. - 194 с.
2. Прокофьев С.Е. замонавий давлат ва муниципал бошқарув асослари : ўрта касб-хунар таълими учун дарслик ва семинар / С.Е.Прокофьев, С.Г.Эремин, А.И.Галкин. - Москва: Юрайт Наشريети, 2021. - 695 с.
3. Ye C. Y. *Financing and organization of public procurement in ukraine: problems and directions of solving*. 2020 y. Харків 6-9 с.
4. Edquist C., Zabala-Iturriagoitia J. M. *Public Procurement for Innovation as mission-oriented innovation policy //Research policy*. - 2012. - Т. 41. - №. 10. - С. 1757-1769.
5. Kipler M. C., Keitany P. *Effect of procurement planning on suppliers performance in public institutions: a case of MOI University*. - 2018. С. 45
6. Mulic A., Ulian G. *Specifics of financing public procurement in the Republic of Moldova in the context of optimizing public finance management //Economie și Sociologie*. - 2021. - №. 1. - С. 31-39.
7. Gladilina, I. P. (2017). *Theory and practice of managing public procurement based on key professional competencies*. *European Research Studies Journal*, 20(4B), 439-452.
8. Naryzhnaya, Natalyya Yu, Evgeniy G. Safronov, and Svetlana M. Silinskaya. "Implementation Of Electronic Auctions In Russia In Conditions Of Uncertainty." *European Proceedings of Social and Behavioural Sciences*. 2021.12.02. С. 65
9. Хамидулло Фазлиддинович Паттидинов. Давлат харидлари ташкил этилишини такомиллаштириш ўллару // *Academic research in educational sciences*. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/davlat-haridlari-tashkil-etilishini-takomillashitirish-y-llari>
10. Shahlo Muhamedova *Davlat xaridlarini tartibga solishning huquqiy asoslari // Science and Education*. 2023. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/davlat-xaridlarini-tartibga-solishning-huquqiy-asoslari>
11. https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/Budjet_23_uz.pdf.
12. https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/Budjet_23_uz.pdf.
13. Давлат харидлари махсус ахборот портали – harid.uz ва uzex.uz.
14. *Financial support of infrastructure projects of the republic of Uzbekistan N.M.Ashurova. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities ISSN: 2249-7315 Vol. 12, Issue 10, October 2022 SJIF 2022 = 8.625.*